

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ХУКМ

2023 йил июль ойининг 17 куни, Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар суди, суднинг биносидан, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Р.Зарипов, И.Тўхтауновнинг котиблигида, давлат айбловчиси – Қувасой шаҳар прокурорининг ёрдамчиси М.Хосилжонов ва Э.Ғофуров, жабрланувчи Қўчқаров Сардор Рахимжон ўғли, судланувчи Турсунов Улуғбек Сотволдиевич, унинг ҳимоячиси – адвокат Д.Эралиеванинг иштирокида, Жиноят кодекси 167-моддасининг 1-қисми билан айбланган У.Турсуновга оид 1-1505-2301/77-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Турсунов Улуғбек Сотволдиевич (Tursunov Ulug'bek Sotvoldiyevich) - 1972 йил 19 августда туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор, маълумоти олий, Қувасой шаҳар “Шоҳижаҳон фойзли боғи” фермер хўжалиги раҳбари, мукаддам:

- 1) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2001 йил 11 августдаги ҳукмига кўра ЖК 25,118-моддасининг 1-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, шу суднинг 2001 йил 29 августдаги ажрими билан 2022 йил 22 августдаги амнистия актига асосан жазони ўташдан озод қилинган;
- 2) Фарғона вилоят суди Раёсатининг 2004 йил 15 февралдаги қарорига кўра ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг 2003 йил 06 январдаги ҳукмига кўра ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
- 3) жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг 2010 йил 18 ноябрдаги ҳукмига кўра ЖК 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 3-қисми ва 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан юритилган жиноят иши 2010 йил 28 августдаги амнистия актига асосан тугатилган;
- 4) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2012 йил 27 июлдаги ҳукмига кўра ЖК 266-моддаси 2-қисми билан 3 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилинган, ЖК 72-моддаси тартибида 2 йил синов муддати белгиланган;
- 5) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2012 йил 04 августдаги ҳукмига кўра ЖК 189-моддасининг 2-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;



б) жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2016 йил 13 июлдаги ҳукмига кўра ЖК 184-моддасининг 3-қисми ва ЖК 189-моддаси билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, шу суднинг 2017 йил 07 декабрдаги ажрими билан жазонинг 9 ойини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган (судланганлик ҳолати тугалланган), Фарғона шаҳар, Бобур м.ф.й., А.Қодирий кўчаси, 48-уй, 21-хонада яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 05 июнь куни олган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни суд мажлисида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириб, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Турсунов Улуғбек Сотволдиевич Қувасой шаҳар Пакана маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган, “Шоҳижаҳон файзли боғи” фермер хўжалиги раҳбари бўлгани ҳолда 2022 йил сентябрь ойи бошларида С.Қўчқаров билан танишиб, ўзаро оғзаки келишувга кўра С.Қўчқаровга тегишли умумий баҳоси 33.000.000 сўм бўлган икки бош биялар ва икки бош тойларини вақтинча боқиб беришга келишиб, С.Қўчқаровнинг тўрт бош отларини қабул қилиб олиб, 2022 йил декабрь ойида мазкур тўрт бош отларни ўзига тегишли эканини айтиб, фуқаро Д.Абдуразақов ва дастлабки терговда аниқланмаган бошқа шахсга сотиб юбориб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи У.Турсунов суд мажлисида айбига иқрор эмаслигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам Қувасой шаҳар Пакана маҳалласи ҳудудида жойлашган “Шоҳижаҳон файзли боғи” фермер хўжалиги раҳбари экани, С.Қўчқаровни илгари танимагани, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил август-сентябрь ойларида фермер хўжалиги яқинидаги автомашиналарга газ қўйиш шохобчасида ишловчи Ш.Мадияров фермер хўжалиги боғидаги ўтларни ўриб олишини айтганида рози бўлгани, лекин ҳеч қандай тўловга келишишмагани, шу орада Ш.Мадияров ўтларни тагидан ўрмаганини кўриб, унга бу ҳақда айтганида, қолганини қўйларини боқиб, тозалатиб беришини тушунтиргани, шунда унга қўйларни мевали боғда боқиб бўлмаслигини, дарахтларга шикаст етказиб қўйишлари мумкинлигини айтгани, шунда Ш.Мадияров бир танишининг отлари борлигини, шу ерда боқиб, ерни ўтдан тозалаб олишини айтгани ва орадан бир неча кун ўтиб, С.Қўчқаровни шериклари билан бирга бошлаб келгани, С.Қўчқаров билан шунда биринчи марта кўришгани, С.Қўчқаров Пакана маҳалласи ҳудудида тиббиёт дорилари ишлаб чиқарадиган цехлари борлигини, иккита эна-бола отларини боқиб



берса, эвазига битта той бериши мумкинлигини айтгани, шундан сўнг С.Қўчқаровга дала ерини 2022 йил октябрь ойида ҳайдатиши лозим эканини, 10 октябрь кунига қадар отларини қайтариб олиб кетса, бир бош той эвазига тўрт бош отларини парваришлаб бериши мумкинлигини айтгани, шу билан икковлари келишиб олишгани, отларни 2022 йил 10 октябрь кунига қадар боқиб бериш учун ўзи қабул қилиб олгани, С.Қўчқаров отларни боқилиши эвазига берадиган тойни бир ҳафтада олиб келиб беришга ваъда қилгани, лекин олиб келиб бермагани, шундан сўнг С.Қўчқаровга бир неча маротаба кўнғироқ қилгани, у жавоб бермагани сабабли ноябрь ойининг охири, декабрь ойи бошларида доир ишлаб чиқарадиган цехга ва Водилдаги дорихонасига қидириб боргани, бир неча маротаба смс хабарлар жўнатгани, лекин С.Қўчқаров билан боғлана олмагани, бу орада киш мавсуми келиб, далада ўт тугаб, ўзига тегишли пресс ўтларини ва бир прицеп маккажўхорини ўзаги билан бериб, едириб юборгани, шундан сўнг отларга берадиган ўти ҳам, еми ҳам тамом бўлгани, ветеринар отлар бу совуққа чидай олмаслиги мумкинлигини айтгани учун 2022 йил декабрь ойи ўрталарида икки бош тойларни, сўнг декабрь ойи охирларида икки бош отларни ҳам сотиб юборишга мажбур бўлгани, отларни жами 24 млн. сўмга сотиб юборган бўлиб, пулларни ҳозиргача уйида сақлаб келаётгани, агар С.Қўчқаров отларни парваришлагани эвазига ўзига, сувчисига ва октябрь-декабрь ойларида парваришлаган ишчи аёлга хизмат ҳақини берса, отларнинг сотувидан тушган пулларни С.Қўчқаровга бериши мумкинлигини, ҳақиқатдан ҳам келишувга кўра отларни август ойидан 10 октябрь кунига қадар қараб бериши лозим бўлгани, лекин С.Қўчқаров отлардан хабар олгани келмагани учун декабрь ойи ўрталарига қадар ўз ҳисобидан парваришлагани, ўзининг хизмат ҳақи, сувчига ва ишчи аёлга берилиши керак бўлган хизмат ҳақи, отларга берилган пресс ўтлар ва бир прицеп маккажўхорини кўшиб ҳисоблаганда ўзи жами 30 млн. сўм зарар кўргани, ҳақиқатдан ҳам С.Қўчқаровга ёзган смс ва у жавоб бермаган кўнғироқларнинг деталлизациясини чиқариб, тергов органига тақдим этгани, С.Қўчқаров уни ёш бола қилиб, устидан кулиб, отларни берганидан сўнг хабар олмай шундай ҳолатни келтириб чиқаргани, отларини мутахассисга кўрсатганида бири 12 ёш, бири 8 ёш бўлиб, тишлари ҳам тушиб кетганини билгани, мазкур тўрт бош отларни нобуд бўлмаслиги учун 24 млн. сўмга сотгани, судда жабрланувчи С.Қўчқаров қисман тўғри гапиргани, С.Қўчқаровдан олган 1.000 АҚШ доллари пуллар бошқа масала юзасидан бўлгани, яъни Пакана маҳалласидаги ўзига тегишли, аукциондан сотиб олган 1,8 сотихдан иборат ер майдонини 4,5 минг АҚШ долларига келишиб, сотиб, шундан 1.000 АҚШ долларини олгани, бу пулларни отларга дахли бўлмагани, ҳақиқатдан ҳам ўзи тақдим қилган телефон сўзлашувлари деталлизациясида 2022 йил 07 декабрь куни С.Қўчқаров билан телефонда гаплашгани акс этганини судда билгани, эслашича шу куни С.Қўчқаров билан телефонда гаплашганида унга от учун ем тугаганини айтгани, шунда С.Қўчқаров пулдан хавотир олмаслигини, ем учун 1.000 АҚШ доллари беришини айтгани, бу вақтда совуқ тушмагани учун С.Қўчқаров гапига рози бўлгани, лекин шундан сўнг С.Қўчқаров яна



телефонларига жавоб бермай қўйиб, пулни ҳам, емни ҳам олиб келиб бермагани, ҳақиқатдан ҳам судда С.Қўчқаровнинг жияни, И.Омонжоновнинг кўрсатувларини эшитгани, у бир қанча ҳолатларни ёлғондан айтиб бергани, чунки И.Омонжонов ўзига фақат уч марта кичик қопларда, жами тахминан 15 кг. ем олиб келиб бергани, чунки кичик қопларга тахминан 5 кг.дан ем солиш мумкин бўлгани, бошқа ем олиб келиб беришмагани, ўзи отларга 1 тонна маккажўхори, 100 дона пресс едириб, жами 7,5 млн. сўмлик харажатлар қилгани, ўзи И.Омонжоновга бир неча мартаба қўнғироқ қилиб, ем тамом бўлгани ҳақида айтгани, лекин кейинроқ у ҳам қўнғироқларига жавоб бермай қўйгани, отларни декабрь ойи охирларида нобуд бўлмаслиги учун сотиб юборгани, ҳақиқатдан ҳам судда И.Омонжонов 2022 йил 11 сентябрь куни қозиқ ва аркон олиб келиб бергани ҳақидаги кўрсатувини тасдиқлаши, лекин у уч марта эмас, икки марта ҳар бир қопада 40-50 кг бўлган ем олиб келиб бергани, шу билан бошқа ем олиб келмагани, ҳақиқатдан ҳам судда Ш.Мадияровнинг кўрсатувларини эшитгани, лекин у отларни баҳорга қадар қараб беришга келишишгани ҳақида нотўғри айтаётгани, аслида отларни октябрь ойига қадар қарашга келишишгани, ҳақиқатдан ҳам ҳудуд профилактика инспектори А.Ғаниевга берган тушунтириш хатида С.Қўчқоровга тегишли отларни сотиб юбормагани ҳақида айтгани, чунки агар С.Қодиров ем ва бошқа харажатларга кетган маблағларни қоплаб берса, отларни қайта сотиб олиб, С.Қўчқоровга беришни режалаштиргани, бу вақтда отлар сотилиб кетган бўлса-да, қайта сотиб олишга имконият бор бўлгани, нима учун отлар сотилгани, сотилган жойда қайта сотиб олиш мумкинлиги ҳақида тушунтириш бермагани сабабини тушунтириб беролмаслиги, ҳақиқатдан ҳам суд мажлисида С.Қўчқаровдан кечирим сўрагани, у ярашувга рози бўлиши учун етказилган зарарнинг 20 млн. сўмини қоплаб беришни сўраётгани, ўзи бунга рози бўлмаслиги, унинг отларини қараб ўзи анча зарар кўрганини айтиб, ўзининг ҳеч қандай айбдорлиги йўқлигини инобатга олиб, адолатли қарор қабул қилишни сўради.

Гарчи У.Турсунов судда айбига иқдор бўлмаса-да, унинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби У.Турсуновни ўзининг юқоридаги жинойи қилмишларини фош қилувчи ва бир-бирига зид кўрсатувларидан ташқари қуйидагилар билан ўз тасдиғини топган.

Хусусан, жабрланувчи С.Қўчқаров суд мажлисида ҳақиқатдан ҳам ўзи шифокор бўлса ҳам ёшлигидан отларга қизиқиб, доимий равишда от парваришlash билан шуғулланиб келгани, У.Турсуновни илгари танимагани, И.Омонжонов жияни бўлиши, Ш.Мадияровни И.Омонжонов орқали танигани, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил сентябрь ойида ўзига тегишли икки бош биялар ва икки бош тойчоқларни парваришlashга одам ахтариб юрганида жияни И.Омонжонов Қувасой шаҳар Пакана маҳалласида жойлашган У.Турсунов ҳақида гапириб, фермер эканини, боғида отларни боқиб бериши мумкинлигини эшитганини айтгани, шундан сўнг И.Омонжонов, Ш.Мадияровлар билан бирга У.Турсуновнинг фермер хўжалигига боришгани, У.Турсуновга жами тўрт бош отлари борлиги, иккита эна-бола



отлар экани, баҳоргача боқиб берса, хизматини беришини айтгани, шунда У.Турсунов отларни козикқа бойлаб, жойини ўзи ўзгартириб туриб, боқиб бериши мумкинлигини, хизмат ҳақиға тойлардан бирини беришини сўрагани, ўзи эса олиб келадиган тойлар ўзига ҳам керак бўлгани сабабли тўрт бош отларини баҳор ойига қадар парваришлаб беришига хизмат ҳақиға бошқа битта той олиб келиб беришини айтиб, ўзаро келишиб олишгани, шундан сўнг орадан икки кун ўтиб, отларни У.Турсуновга олиб келиб топширишгани, мазкур боғ ўзларига тегишли цехга яқин жойда бўлгани учун отларни топширганидан сўнг 10-15 кун давомида ҳар куни кечки вақтда ем олиб келиб, отларга бериб тургани, шу орада У.Турсунов боғда катта итлар борлиги, тишлаб олиши мумкинлиги, шунинг учун емларни олиб келиб бериб туришса, отларга ўзи беришини айтгани, шу билан жияни И.Омонжонов У.Турсуновга отлар учун ем ташиб тургани, кейинроқ 2022 йил декабрь ойига келиб, И.Омонжонов фермер хўжалигига борганида У.Турсунов итлар бўшалиб кетганини айтиб, ичкарига кирмасликларини тайинлагани сабабли отларни кўролмагани ҳақида гапириб қолгани, лекин ўша вақтда бу ҳолатга унчалик эътибор бермагани, 2023 йил январь ойида кўпқарига борган вақтида У.Турсунов отларини сотиб юборгани ҳақида хабар эшитиб, бу ҳақда Д.Абдуразақовдан сўраганида у ҳақиқатдан ҳам Пакана маҳалласидаги фермердан бир бош қора ва бир бош қизил рангли бияларни сотиб олгани, кейин бозорга олиб чиқиб, нотаниш шахсларга сотиб юборганини айтгани, шунда отларни энди топиб бўлмаслигини тушуниб, У.Турсуновни олдиға ўз борса, асабийлашиб, бирор ҳолат юз бериши мумкинлигини ўйлаб, ИИБнинг 102 рақамиға қўнғироқ қилиб, бу ҳақда хабар бергани, ҳақиқатдан ҳам У.Турсуновга берган отларининг баҳоси жами 64 млн. сўм атрофида бўлгани, тергов вақтида терговчи отлар топилмагани учун бозордаги ўртача баҳодан ҳисоблашларини айтганида рози бўлгани, шу сабабли ҳозирда У.Турсуновдан 33 млн. сўм моддий зарар ундириб беришни сўраши, ҳақиқатдан ҳам У.Турсунов айтаётган 1.000 АҚШ долларини мазкур ишға алоқадорлиги йўқлиги, мазкур пуллар У.Турсунов сотишини айтган 1,8 сотих ер учун У.Турсуновга берилган пул бўлиб, акаси Ш.Қўчқоров цехда ишлайдиган бир аёл У.Турсуновдан 2.800 АҚШ долларига ер сотиб олаётганини, шу аёлға ёрдам қилиб туриш кераклигини айтгани сабабли У.Турсуновга ўз ҳисобидан 1.000 АҚШ доллари бериб юборгани, қолган пулларни ўша аёлнинг ўзи бериши керак бўлгани, лекин у имконияти бўлмагани учунми ёки бошқа сабаб билан ер ҳақида бошқа сўраб келмагани, шу сабабли ўзи ҳам суриштирмагани, У.Турсуновнинг 1.000 доллар сўраб ёзган смс хабарлари айнан шу ер масаласи бўлгани, У.Турсунов декабрь ойида смс хабарлар жўнатганида айнан шу ер масаласида маслаҳатли иши борлиги ҳақида ёзгани, ўзи ушбу ер бўйича бирор нарсани ҳал қила олмаслиги сабабли У.Турсуновнинг қўнғироқларига жавоб бермагани, эътибор берилса, смс хабарларда отлар ҳақида умуман гап-сўз юритилмаётгани, агар шунчалик отларга озуқа қолмасдан, уларни нобуд бўлишидан қўрқса, отларни цехнинг эшигига боғлаб кетганида ҳам унга ҳеч қандай эътироз билдирмаган бўлишини, У.Турсунов эса мазкур отларни



сотиб юбориб, бу ҳам етмагандай аризаси юзасидан текширув кетаётган вақтда отларни сотмагани ҳақида айтиб, алдаб юргани, ҳақиқатдан ҳам У.Турсунов отларни қабул қилиб олганидан сўнг озуқа емларини жияни И.Омонжонов етказиб бериб тургани, ҳисобини ҳам унинг ўзи билишини, суд муҳокамаси давомида ярашув оқибатлари тушунтирилган вақтда ҳамма ҳолатларни унутиб, ишни ярашув билан тугатилиши учун У.Турсуновдан чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб, зарарнинг 20 млн. сўмини қопласа, қолганидан воз кечишга ҳам тайёр эканини айтгани, лекин У.Турсунов аслида отларни ноқонуний равишда сотиб юборган бўлса ҳам, турли баҳоналар қилиб, етказилган зарарни қоплаб беришдан бош тортгани сабабли У.Турсуновдан ўзига етказилган, терговда аниқланган 33.000.000 сўм моддий зарарни тўлиқ ундириб, судланувчига қонуний чора кўришни сўрашини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ И.Омонжонов суд мажлисида С.Қўчқаров тоғаси бўлиши, У.Турсуновни илгари танимагани, оилаларига тегишли цех Қувасой шаҳар Пакана маҳалласида жойлашгани сабабли шу ердаги газ қуйиш шохобчасида ишловчи Ш.Мадияров билан танишиб қолгани, 2022 йил сентябрь ойларида Ш.Мадияровни қўй боқиб юргани кўриб, гап орасида тоғаси С.Қўчқоровнинг отлари борлигини, қарагани одам кераклигини айтганида у отларни қарай олмаслиги, лекин йўлнинг нариги томонидаги боғ эгаси У.Турсунов билан гаплашиб кўришини тушунтиргани, кейин бир-икки кун ўтиб, Ш.Мадияров ҳамда тоғалари Ш.Қўчқоров, О.Қўчқоров, С.Қўчқоровлар билан бирга У.Турсуновнинг боғига боришгани, шунда ўзаро гаплашиб, У.Турсунов иккита катта от ва иккита тойчоқларни баҳор ойига қадар боғида боқиб берадиган, С.Қўчқаров эса хизматига битта той берадиган бўлгани, шундан сўнг бир-икки кун ўтиб, отларни олиб келиб, У.Турсуновга топширишгани ва ҳар куни кечки вақтда ўзлари келиб, отларга бир чинидан буғдой ва арпа аралашмасини бериб туришгани, лекин орадан бироз вақт ўтиб, У.Турсунов боғда итлари борлигини, бегона кирса тишлаб олиши мумкинлигини айтгани сабабли С.Қўчқаров ерни қопда олиб келиб бериб туришини, ўзлари У.Турсунов йўқлигида отларни олдига бормасликларини тайинлаб айтгани, шу билан бир неча маротаба емларни олиб келиб, отларга бермасдан, У.Турсуновга ташлаб кетишгани, одатда бир қоп ем бир ой муддатга етиши, ҳар сафар ем тамом бўлганида У.Турсунов кўнғироқ қилиб тургани, ўзи эса отларга керакли емларни олиб бориб бериб келгани, олинган емларнинг аниқ ҳисоби цехнинг ҳисоб-китоб дафтарига ёзиб борилгани, ҳақиқатдан ҳам келишувга кўра У.Турсунов отларни баҳор ойига қадар қараб туриши керак бўлгани, емларни ўзлари олиб бориб беришгани, У.Турсунов фақат отларни боғланган жойини ўзгартириб туриши ва хизмат ҳақида бир бош тойни олиши керак бўлгани, лекин октябрь ойига қадар деган гап умуман бўлмагани, ҳақиқатдан ҳам отларни топширишганидан сўнг бир неча кун ўтиб, Ш.Мадияров кўнғироқ қилиб, У.Турсунов отларга арқон сўраётганини айтганида ўзи бозордан 100.000 сўмга қозик ва арқон сотиб олиб, У.Турсуновга олиб бориб бергани, мазкур ҳолат ҳисоб-китоб дафтарига ёзилган бўлиб, санаси 2022 йил 11 сентябрь кўрсатилган эканини кўргани,



шу сабабли У.Турсуновга от берилган вақтда сентябрь ойи бошларига тўғри келади деб ўйлаётгани, ҳақиқатдан ҳам ҳисоб-китоб дафтарини кўздан кечириб чиққани, унга кўра 2022 йил 23 сентябрь куни 60.000 сўмлик, 13 октябрь куни 400.000 сўмлик, 09 ноябрь куни 260.000 сўмлик, жами 720.000 сўмлик емларни сотиб олиб, У.Турсуновга олиб берганини эслагани, бу вақтда икки мартасида емларни У.Турсуновнинг ўзига бергани, бир марта унинг дарвозаси яқинига қўйиб кетгани, лекин бирор марта отларга хашак тугагани, боқишга қийналаётгани, отларни октябргача боқишга келишишгани ёки шунга ўхшаш гапларни гапирмагани, ҳақиқатдан ҳам бир марта Ш.Мадияров кўнғироқ қилиб, У.Турсунов телефонларига жавоб бермаётгани ҳақида айтганини билдиргани, лекин ўзи У.Турсуновнинг телефонида атайин жавоб бермагани ва бир кун олдин ем масаласида гаплашишгани сабабли Ш.Мадияровга ҳеч қандай муаммо йўқлигини, ем масаласида гаплашиб, олиб бориб ташлаб келганини айтгани, У.Турсунов билан ўрталарида ҳеч қандай муаммо бўлмагани, унинг телефонларига жавоб бермай қўймагани, бир марта гаплашганларида У.Турсунов тоғаси С.Қўчқоров отларни қараб берганига той эмас, пул бериши кераклигини айтганида унга ўзлари гаплашиб олишлари кераклигини тушунтирганини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ш.Мадияров суд мажлисида ҳозирда пенсияда экани, 2022 йил июль ойида кўшимча даромад олиш учун Қувасой шаҳар Пакана маҳалласида жойлашган пропан газ қуйиш шохобчасида ёлланма ишлар билан шуғулланиб келишгани, У.Турсунов ва И.Омонжоновларни ҳам шу ерга ишга кирганидан сўнг танигани, ўзи бир нечта қўйларни У.Турсуновга тегишли боғда боқиб юргани, 2022 йил сентябрь-октябрь ойларида И.Омонжонов бир нечта отлари борлигини айтиб, боқиб беришни илтимос қилгани, шунда ўзи отдан кўрққани учун рози бўлмагани, лекин У.Турсуновнинг боғи борлигини билгани учун отларни унга беришса, боқиб бериши мумкинлигини ўйлагани, шундан сўнг бу ҳақда У.Турсунов билан гаплашганида у рози бўлгани, яъни келишса, гаплашиб олишларини айтгани, кейин И.Омонжонов ва отнинг эгаси С.Қўчқоровларни У.Турсуновни олдига бошлаб боргани, улар ўзаро отларни боқиб берганига У.Турсуновга бир донга той бериш ҳақида гаплашиб олишгани, эртаси куни С.Қўчқоров жами тўрт бош отларни олиб келгани, иккитаси тойчоқлар эканини кўргани, орадан бир неча кун ўтиб, У.Турсунов кўнғироқ қилиб, отларга арқон ва қозиқ керак бўлаётганини айтгани, шунда ўзи И.Омонжоновга кўнғироқ қилиб, У.Турсуновни гапини етказиб қўйгани, лекин арқон олиб берган-бермаганини билмагани, шундан сўнг яна орадан бир қанча муддат ўтиб, У.Турсунов кўнғироқ қилиб, телефонларига жавоб беришмаётгани ҳақида гапиргани, шунда ўзи И.Омонжоновга кўнғироқ қилгани, нима бўлаётганини сўраганида бу вақтгача У.Турсунов билан гаплашиб бўлишганини, енга отлар учун ем ташлаб келганини айтгани, ҳақиқатдан ҳам ҳозирда кексайиб қолгани учун мазкур ҳолатлар аниқ қачон бўлганини айтиб бера олмаслиги, лекин отлар келган вақт август ойи охири, сентябрь ойи боши бўлиши мумкинлигини эслаётгани, ҳақиқатдан ҳам У.Турсунов



отларни қабул қилиб олганидан сўнг баҳор ойларига қадар боқиб беришига келишилганига гувоҳ бўлгани, ҳақиқатдан ҳам У.Турсунов биринчи марта арқон ва қозик сўраганида бу ҳақда И.Омонжоновга айтиб қўйгани, иккинчи марта эса И.Омонжонов телефонига жавоб бермаётганини, ем тамом бўлганини айтгани, шунда И.Омонжоновга кўнғирок қилганида У.Турсунов билан гаплашиб бўлганини, ем сўрагани учун олиб бориб берганини айтгани, лекин олиб бориб берган-бермаганини кўрмаганини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ж.Султонов суд мажлисида У.Турсуновни бир неча йиллардан буён таниши, лекин илгари муомала қилмагани, ўзи Қувасой шаҳар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида участка мудирининг вазифасида ишлаб келгани сабабли, 2021 йил июль ойидан бошлаб У.Турсуновнинг фермасидаги итларини эмлаб бериб келгани, шундан бошлаб уни яхши таниб қолгани, унга нисбатан адовати йўқлиги, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил декабрь ойларида У.Турсуновнинг фермасига бориб, итларини эмлаб, паспорт ёзиб бергани, шунда У.Турсунов отлари ҳам борлигини айтиб, мутахассис сифатида кўриб беришини илтимос қилгани, шунда отхонага кириб, икки бош отлар борлигини, отлар ориқлаб кетганини, қаров яхши бўлмаётганини билгани, кейин У.Турсуновга отлар учун дори ёзиб бериб, яхшилаб парваришlash кераклигини тушунтириб, у ердан кетганини, ҳақиқатдан ҳам отларни кўрганида ориқлаб кетган ҳолатда бўлгани, ҳақиқатдан ҳам ўзи отларни тишларини кўздан кечирмагани, шунинг учун ёшлари ҳақида аниқ маълумотга эга эмаслигини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Д.Абдуразоқов суд мажлисида С.Қўчқоровни икки-уч йилдан буён таниши, у отларга қизиққани сабабли унга тегишли отларни улоққа олиб кириб, машқ қилдириб келгани, У.Турсуновни илгари танимагани, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил декабрь ойида таниши Р.Каримов кўнғирок қилиб, Қувасой шаҳар Пакана маҳалласидаги фермердан икки дона тойларни сотиб олганини, иккита биялари ҳам борлигини, ўзи пули етмагани учун ололмаганини, келиб кўриб, маъқул келса сотиб олишини айтгани, шунда ўзи тирикчилиги отлар савдосидан бўлгани учун Р.Каримов айтган манзилга бориб, У.Турсунов билан танишгани ва икки бош отларини кўриб, 14 млн. сўмга келишиб, олиб кетгани ва пулини уч кунда олиб келиб бергани, ҳақиқатдан ҳам отларни олганидан сўнг биров қимматроқ сотиб, фойдаланмоқчи бўлгани, лекин харидор чиқмагани сабабли Аввал қишлоғида яшовчи танишига олиб бориб, ўзининг пулига, яъни 14 млн. сўмга сотиб юборгани, ҳақиқатдан ҳам ўша вақтда У.Турсунов мазкур отлар Қирғизистондан қиммат нархга келгани, пул керак бўлаётгани учун сотаётганини, отларга бергани озуқаси ҳам қолмаганини айтгани, ҳақиқатдан ҳам ўша вақтда У.Турсуновдан отлар кимга тегишли деб аниқ сўрамагани, лекин одатдагидек савдо бўлгани учун отлар унинг ўзига тегишли деб ўйлагани, У.Турсуновнинг ўзи ҳам отлар бошқа шахсга тегишли эканини, боқиб учун олганини, лекин эгаси келмаётгани учун сотаётганини ва шунга ўхшаш маънодаги гапларни гапирмагани, ҳақиқатдан ҳам отларни насиёга олиб, фойдасига сотмоқчи бўлгани, лекин харидор топа олмагани учун ўзининг нархига сотиб, пулини У.Турсуновга бериб, қарзидан қутулгани,



ҳақиқатдан ҳам отларнинг пулини иккига бўлиб, охирида 1 млн. сўм пулларни бергани, орадан анча вақт ўтгани учун ҳамма ҳолатларни эслаб қолмагани, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил январь ойида кўпқари мусобақаси бўлаётган вақтда С.Қўчқоров билан кўришиб қолишгани, шунда Паканадан сотиб олган отлари ҳақида суриштиргани, шунда бўлган воқеаларни айтиб бергани, ўша вақтда С.Қўчқоров ҳеч бўлмаса тойчоқларни топиш кераклигини, қайта сотиб олишини айтгани, шунда суриштириб кўриб, Р.Каримов отларни сотиб, қўлма-қўл Тошкент томонга ўтиб кетиб, топишни имкони бўлмаганини айтиб кўрсатув берди.

Қўшимча гувоҳ О.Абдулхамидов суд мажлисида У.Турсуновни илгари танимагани, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил куз-қиш ойларида “Қувасой Турон Чорва” фермер хўжалигида ёлланма асосида ишлаб юрган вақтда У.Турсунов фермер хўжалигига қўй сотиб олиш учун келиб, отларни парвариш қилаётганини кўриб, ўзига тегишли отлар бўшалиб кетиб, ушлаб бўлмаётганини айтиб, боғлаб беришга ёрдам сўрагани, рози бўлганидан сўнг У.Турсуновнинг автомашинасида унга тегишли бокка боришгани, икки бош бияларни кўпчилик бўлиб, ушлашгани ва отхонага олиб кириб, боғлаб бергани, орадан бир неча кун ўтиб, У.Турсунов яна чақиргани, борганида қора отни кўрсатиб, одамлар отнинг тишлари йўқлиги, фақат тўйга сўйиб юбориш мумкинлиги ҳақида гапираётганларини, отни кўриб беришини сўрагани, шунда отларни текшириб кўриб, соғлом ҳолатда эканини, тишлари ҳам бутунлигини, фақат қора отнинг юқори ва пастки тишлари билан бирига тўғри тушмаётганини кўриб, У.Турсуновга бу ҳақда айтиб бергани, ҳақиқатдан ҳам У.Турсуновнинг отларини ушлаш учун борганида отларнинг арқони узилиб кетганини кўриб, унга янги арқон олиб келиш кераклигини айтгани ва бирга бориб, олиб келишгани, сўнг ўзи отхонага боғлаб бергани, ҳақиқатдан ҳам У.Турсунов билан гаплашганида отларни унга тегишли деб ўйлагани, У.Турсунов отларни ўзига тегишли эмаслигини, биров қараб туриш учун берганини айтмагани, кейинроқ У.Турсуновни кўриб қолганида отлар бошқасига тегишли эканини, озуқаси қолмагани учун сотиб юборганини, отларнинг эгаси ИИБга ариза қилиб, хизмат ҳақиқага тойчоқ берилиши кераклигини тан олмаётгани ҳақида гапириб бергани, лекин асл ҳолат қандай бўлганидан хабари бўлмагани, У.Турсуновнинг боғига қачон борганини, отларни қачон кўриб берганини вақтини эслай олмаётганини айтиб кўрсатув берди.

Бундан ташқари, иш ҳужжатларидаги У.Турсунов томонидан тақдим этилган смс хабарларга кўра У.Турсунов С.Қўчқоровга 2022 йил 16 ноябрь куни бировга 1.000 АҚШ доллари бериши кераклиги, пул жуда зарурлигини ёзиб, ундан шунча миқдорда пул беришини сўраган ҳамда 2022 йил 09, 13 ва 15 декабрь кунлари ҳам телефон қилиб юборишини сўраб ёзган хабарлари ҳам мавжуд бўлса-да, хабарларда пуллар айнан отлар учун экани ҳақида ёзилмаган;

- судда жабрланувчи С.Қўчқоров У.Турсунов томонидан ёзилган хабарлардаги 1.000 АҚШ доллари пулларнинг отларга алоқаси йўқлиги, ушбу пуллар У.Турсунов билан ўрталаридаги ер олди-сотдиси масаласидаги



пул экани ҳақида тушунтириш берган бўлиб, судланувчи У.Турсунов ҳам мазкур ҳолатни дастлаб инкор қилиб, сўнг С.Қўчқоровдан 1.000 АҚШ доллари пулларни ер масаласида олгани, аслида ер 4.500 АҚШ долларига келишилган бўлгани ҳақида кўрсатув берди.

Бундан ташқари, У.Турсунов С.Қўчқоровни қидириб топа олмай қолгани ҳақида важлар келтарган бўлса-да, унинг ўзи томонидан тақдим этилган, унга тегишли 93-980-0047 абонент рақами кириш-чиқиш кўнғироқлар маълумотномасига кўра 2022 йил 14 ноябрь куни соат 10-15да жабрланувчи С.Қўчқоров билан 129 сония давомида мулоқот қилингани аниқланган.

Бундан ташқари, иш ҳужжатларидаги хабарномаларга кўра жабрланувчи С.Қўчқоров Фарғона вилоят ИИБнинг 102-қисқа рақамига 2023 йил 08 январь куни соат 15-16да мурожаат қилиб, У.Турсунов унга боқиш учун берилган отларини сотиб юборгани ҳақида билдирган бўлса, мазкур ҳолатдан хабар топган У.Турсунов шу куни соат 17-30да Фарғона вилоят ИИБнинг 102-қисқа рақамига кўнғироқ қилиб, С.Қўчқоров боқиб бериш учун икки бош отларни бериб, эвазига икки дона тойларни беришини айтиб, ҳозиргача отларни олиб кетиш учун келмаётганини билдирган ҳамда терговга қадар текширув давомида берган тушунтиришида отларни сотиб юбормаганини, С.Қўчқоров ўзи отларни парваришlash учун сарфлаган 10 млн. сўм харажат ҳамда отларни қараган ишчининг кунига 200.000 сўмлик иш ҳақини тўлаб берса, отларни қайтариб бериши мумкинлигини билдирган.

Шунингдек, У.Турсуновнинг суднинг ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби юқоридагилардан ташқари юзлаштириш баённомаси, тақдим этилган дискни эшитиш ва стенограмма қилиш баённомаси, У.Турсунов томонидан тақдим этилган отларнинг фотосуратлари, отларнинг савдосидан тушган пулларнинг фотосурати, Қувасой шаҳар “Деҳқон бозори” МЧЖнинг 2023 йил 23 майдаги 22-сонли маълумотномаси, У.Турсуновнинг шахсига оид ҳужжатлар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланди деб топди.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сонли қарорининг 2-бандида Конституциянинг 53-моддасига мувофиқ мамлакат иқтисодиётининг негизини турли шакллардаги мулк ташкил этиши, мулк ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ ҳисобланиб, мулкка нисбатан ҳар қандай тажовузларнинг содир этилиши муқаррар жавобгарликка ва жазога тортилиши кераклиги, 3-бандида амалдаги жиноят қонунларига биноан, ўзганинг мулкни талон-торож қилиш мулкка тажовуз қилишнинг энг хавфлиси ҳисобланиши, мансаб вазифалари ёхуд шартномавий муносабатларга кўра, ўзганинг мулкни тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг мазкур мулкни қонунга хилоф равишда текинга ўзининг мулкига ёки бошқа шахснинг мулкига айлантириши айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш деб (ЖКнинг 167-моддаси) тавсифланиши лозимлиги;



- Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 3-бандида корхона, муассаса, ташкилот мулкани ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш учун жиноий жавобгарлик фақат талон-торож суммаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 61-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган миқдордан ошган тақдирда келиб чиқиши, алоҳида квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳоллар ҳам бундан мустасно эмаслиги, 4-бандида ўзганинг мулкани талон-торож қилиш жинояти мол-мулк мулкдорнинг эгалигидан олинган ҳамда айбдор уни тасарруф этиш ёки ундан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш имкониятига эга бўлган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланиши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Шунга кўра, У.Турсуновнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Жиноят кодекси 167-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Бундан ташқари, ишни судда кўриш давомида У.Турсунов Қувасой шаҳар Пакана маҳалла худудида жойлашган, унинг ўз сўзидан аукционда сотиб олган 1,8 сотих ерини сотишга келишиб, С.Қўчқоровдан 1.000 АҚШ доллари пулларни олганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 415-моддасига кўра дастлабки терговда эълон қилинган айблов ушбу Кодекс 416 ва 417-моддаларида назарда тутилган тартибда ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин;

- 415¹-моддасига кўра, суриштирув, дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслиги ёки жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилишлари жиноят ишини кўриб чиқиш чоғида суд томонидан бартараф этилади, судланувчига нисбатан айбловни оғирроғи билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра дастлабки айбловдан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун ёки бошқа шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган тақдирда, суд суриштирув, дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслигини ёки жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилишларини ЖПКнинг 416 ва 417-моддаларига мувофиқ бартараф этади;

- 416-моддасига кўра, агар суд тергови вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд янги айблов бўйича жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади, янги айблов дастлабки айблов билан узвий боғлиқ бўлган ва уларни алоҳида-алоҳида кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш тартиби давлат айбловини қўллаб-қувватловчи прокурорнинг ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг ёхуд судланувчининг, унинг ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосномасига кўра амалга оширилади.



Шунга кўра ҳамда У.Турсуновнинг С.Қўчқоровдан 1.000 АҚШ доллари пулларни олганлиги ҳолатига тегишли ҳуқуқий баҳо бериш масаласини ҳал қилиш лозим бўлгани сабабли, суд, жиноят иши бўйича тегишли ҳужжатлар нусхаларини илова қилган ҳолда Қувасой шаҳар прокурорига хабар қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандида жазо адолатли бўлиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Шунга кўра ҳамда судланувчи У.Турсуновга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят оқибатида етказилган 33.000.000 сўм моддий зарарнинг ўрни қопланмаганини ҳисобга олиш билан бир қаторда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида судланувчининг оилавий шароитини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келишини, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жиноят ғаразли ниятларда содир этилганини инобатга олиб, у айбдор деб топилаётган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 1-қисми санкциясида белгиланган жарима жазосини тайинлашни лозим топди.

Суд У.Турсуновга нисбатан жарима жазосини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПФ-168-сонли Фармонида кўра 2022 йил 01 июнь кунидан амалда бўлган, яъни жиноят содир этилган пайтдаги базавий ҳисоблаш миқдоридан (300.000 сўм) келиб чиқишни лозим деб топди.

Суд, фуқаровий даъво масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчи С.Қўчқоровнинг У.Турсуновдан 33.000.000 сўм моддий зарарни ундириш ҳақидаги даъвосини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топди.

Бундан ташқари, суд, судланувчи У.Турсуновнинг С.Қўчқоровга тегишли отларни парваришлаганга кетган сарф-харажатлари ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, унга фуқаровий даъво асосларини исбот қилган ҳолда фуқаролик суди тартибида даъво қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 463, 465-468, 473, 476-моддаларини қўллаб, суд,

ҳукм қилди:

Турсунов Улуғбек Сотволдиевич (Tursunov Ulug‘bek Sotvoldiyevich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилсин.



У.Турсуновга, у айбдор деб топилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида, яъни 15.000.000 (ўн беш миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

У.Турсуновга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси суднинг ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин ҳамда Фарғона вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 6.600.000 (олти миллион олти юз минг) сўм гаров пуллари гаровга қўювчи У.Турсуновнинг ўзига қайтарилсин.

У.Турсуновдан жабрланувчи С.Қўчқаров фойдасига 33.000.000 (ўттиз уч миллион) сўм моддий зарар ундирилсин.

У.Турсуновга ҳукмнинг асослантирувчи қисмида баён этилган ҳолатлар юзасидан фуқаровий даъво асосларини исбот қилган ҳолда фуқаролик суди тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмнинг асослантирувчи қисмида баён этилган ҳолатлар бўйича У.Турсуновнинг ҳаракатларига қонуний баҳо бериш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда Қувасой шаҳар прокуратурасига хабар қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукм кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Р.Зарипов

